

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АКРАМОВА ХУРСАНДОЙ АБДУМАЛИКОВНА**

**КАМ ВАЗНЛИ ЧАҚАЛОҚЛАР ТУҒИЛИШИНING БАШОРAT  
МЕЗОНЛАРИ ВА УЛАР ҲАЁТИНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Акратова Хурсандой Абдумаликовна**

Кам вазли чақалоқлар туғилишининг башорат  
мезонлари ва улар ҳаётининг биринчи йилида  
ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ..... 3

**Акратова Хурсандой Абдумаликовна**

Прогностические критерии рождения маловесных  
новорожденных и особенности их развития на первом  
году жизни ..... 23

**Akratova Khursandoy Abdumalikovna**

Prognostic criteria for the birth of small newborns and  
the features of their development at the first  
year of life ..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АКРАМОВА ХУРСАНДОЙ АБДУМАЛИКОВНА**

**КАМ ВАЗНЛИ ЧАҚАЛОҚЛАР ТУҒИЛИШИНING БАШОРAT  
МЕЗОНЛАРИ ВА УЛАР ҲАЁТИНИING БИРИНЧИ ЙИЛИДА  
РИВОЖЛАНИШИНИING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.09 - Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.1.PhD/Tib50 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ахмедова Дилором Ильхамовна**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хаджиметов Абдугафур Ахатович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 й. «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpmi.uz).

Диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э. А. Шамансурова**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш илмий котиби  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.Е.Пахомова**

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, кам вазн билан туғилган чақалоқларни парваришлаш муаммоси ўлим ҳолатининг юқори даражада бўлиши билан ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда. 2,7 млн. нобуд бўлган чақалоқлардан 60-80% муддатдан аввал туғилган ва/ёки кам вазнга эга бўлган<sup>1</sup>. Кам вазн билан муддатига етиб туғилган болаларнинг перинатал ўлими, вазни меъёрда бўлган болаларга нисбатан, 3-8 марта юқори бўлиб, перинатал йўқотиш тузилмасида, муддатдан аввал туғилишдан сўнг, иккинчи ўринни эгаллайди. Муддатидан аввал туғилган болалар, муддатига етиб туғилган болаларга нисбатан, 30-35 марта кўпроқ нобуд бўладилар, муддатига етмаган ҳомиладорликда эса перинатал ўлим муддатидаги туғруққа нисбатан 30-40 марта юқоридир<sup>2</sup>. Кам вазн билан туғилган болалар орасида соғлом болалар 10-25% дан ошмайди, оғир неврологик оғишлар (болалиқдан ногирон бўлган – болалар церебрал фалажи, кўзи ожиз, карлик, ақлий заифлик) фоизи эса 12%-32% ни ташкил қилади. Бир ёшга қадар 32,5% кам вазн билан туғилган болалар жисмоний риволанишидан орқада қолиши сақланиб қолади<sup>3</sup>.

Жаҳон миқёсида кам вазнли чақалоқлар ва муддатидан аввал туғилган чақалоқларнинг мослашув имкониятларини аниқлаш ва ушбу тоифадаги беморларни олиб боришнинг дифференциацияланган дастурларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу боисдан, прогностик аҳамиятга эга бўлган биокимёвий маркерларни аниқлаш мақсадида кам вазнли чақалоқлар мослашувининг клиник-биокимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш ва уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш соҳасида кенг режали комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида, чақалоқлар ўлими 3,3 мартага камайган. Бугунги кунда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Харакатлар Стратегиясига мувофиқ аҳолига, айниқса оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида “тиббий муассасаларнинг материал-техник базасини мустаҳкамлаш, оила соғлиғини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, сифатли тиббий хизмат олиш учун она ва болаларнинг имкониятини кенгайтириш, уларга ихтисослашган ва юқори технологияли тиббий ёрдамни кўрсатиш, оналар ва

<sup>1</sup> The global strategy for women's, children's and adolescents' health (2016-2030). Every Woman Every Child. Saving lives, protecting futures: Progress report on the Global Strategy for Women's and Children's Health. New York: United Nations, 2015. [www.who.int/maternal\\_child\\_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1](http://www.who.int/maternal_child_adolescent/documents/global-strategy-women-children-health-ru.pdf/ua=1) - 679k

<sup>2</sup> Oza S, Cousens SN, Lawn JE., Estimation of daily risk of neonatal death, including the day of birth, in 186 countries in 2013: a vital-registration and modelling-based study. Lancet Glob Health. 2014

<sup>3</sup> UNICEF, World Health Organization, The World Bank and United Nations. Level & Trends in Child Mortality, Estimates developed by the UN inter-agency group for child mortality estimation. New York: UNICEF, 2014

болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш» муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ–4947-сон Қарори билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>1</sup> ва 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон Қарори билан тасдиқланган «2016–2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Гиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётларда кам вазн билан туғилган гўдакларда кузатиладиган оқибатлар бўйича қарама-қарши маълумотлар мавжуд. Баъзи муаллифлар ногирон болалар сони камайганлиги, бошқалар эса - имконияти чекланган болалар сони камаймаганлиги ҳақида гапирадилар (Михалева Е.В. ва бошқ., 2016; de Jong M., et.al., 2014; Sipola-Leppänen M., et.al., 2015). Шу боис кам вазнли чақалоқлар мослашувининг клиник-биокимёвий хусусиятларини ўрганиш ва ушбу тоифадаги болаларни олиб бориш усулини оптималлаштириш муаммоси долзарб ҳисобланади ва ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Замонавий босқичда мавжуд оғирлик даражасини баҳолашга бўлган ёндошув ташхис, қўлланилаётган терапиянинг хавф омиллари ва чақалоқ организми физиологик функцияларининг ўзгаришига асосланади. Бирок пациентнинг чин ҳолати фақат юқорида қайд этилган омилларнинг энг сўнгиси билан аниқланади. Патологик жараённинг ривожланишида диагностик ва башорат аҳамиятга эга бўлган янги маркерларнинг фаол қидируви айнан шу билан боғлиқ (Lobmaier S.M., et.al., 2014).

Шунга боғлиқ ҳолда сўнгги пайтларда ҳаётининг илк кунидан бошлаб чақалоқларнинг қон зардобида нейроспецифик оқсиллар, нейротрофик ва ўсиш омилларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қон зардобида юқорида санаб ўтилган омилларини аҳамиятли ўзгаришларини нейровизуализациянинг замонавий усуллари билан аниқладиган структуравий бузилишдан кўра анча олдин қайд қилиш мумкин (Паршин Е.В., 2016; Gąsiorowska A., et.al., 2017).

Ҳаётининг дастлабки йилларида бундай болаларни олиб боришнинг ягона концепцияси, зарур текширувнинг мавжуд эмаслиги бу соҳада кам вазн билан туғилган болаларнинг парваришини оптималлаштириш ва ушбу

---

<sup>1</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

болаларда касалланиш ва ўлим даражасини пасайтиришга йўналтирилган кўшимча текширувларни ўтказиш муҳимлигини кўрсатиб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кам вазнли чақалоқлар туғилишида анамнестик омиллар ва биокимёвий маркерларнинг прогностик аҳамиятини баҳолаш, ҳамда ҳаётининг биринчи йилида улар ривожланишининг ўзига хослигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гестация муддатига боғлиқ ҳолда кам вазнли чақалоқлар туғилишининг анамнестик хавф омилларини аниқлаш;

кам вазн билан туғилган чақалоқларда организмнинг мослашув имкониятларини баҳолаш;

кам вазнли чақалоқларнинг туғилишида оналарда ўсишнинг плацентар омили PIGF даражасининг аҳамиятини аниқлаш;

гестация муддатига боғлиқ ҳолда кам вазнли чақалоқларда S100b нейроспецифик оксиди ва PIGF плацента ўсиш омилини даражасининг ўзига хослигини аниқлаш;

бир ёшга тўлгунга қадар кам вазнли болаларнинг ўзига хос ривожланишини баҳолаш;

ҳаётининг дастлабки йилида кам вазнли болаларни олиб бориш усулини оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 281 нафар янги туғилган чақалоқлар бўлиб, уларнинг 186 нафарида туғилганида гестация муддатига боғлиқ ҳолда кам вазнлик бўлган. Назорат гуруҳини 95 та муддатига етиб туғилган, гестация ёшига мос вазнли чақалоқлар ташкил этган. Оналарда кузатув ва текширув олиб борилган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Биокимёвий текширувларни олиб бориш учун оналар ва янги туғилган чақалоқларнинг қон зардобидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунологик (иммунофермент таҳлил) ва статистик текширув усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор кам вазнли чақалоқларнинг туғилиши ва уларнинг мослашув имкониятларига, айниқса муддатига етмай туғилган чақалоқларда, антенатал омиллар, яъни ультра товуш текшируви (УТТ) бўйича хорионнинг қалинлиги, камқонлик, плацентар етишмовчилик, ҳамда оналарда PIGF плацента ўсиш омили даражасининг паст бўлиши прогностик муҳим эканлиги аниқланган;

чақалоқларда S100b нейроспецифик оксид ва PIGF плацента ўсиш омилининг миқдори кам вазнли чақалоқларнинг туғилиши, марказий асаб

тизими (МАТ) ва бошқа тизим касалликларининг ривожланиши билан улар мослашувининг бузилишида прогностик омиллар эканлиги аниқланган;

кам вазн билан туғилган болаларнинг бир ёшга тўлгунгача, тана вазни кўшилиши ва “ёрдамсиз ўтиради”, “мустақил туради” ва “мустақил юради” каби моторика белгиларининг орқада қолишининг устунлик қилиши билан жисмоний ва моторикаси ривожланишининг ўзига хослиги аниқланган;

янги туғилган чақалоқларни парваришlash ва жонлантиришнинг замонавий технологиялари, кўкрак сути билан боқиш, кўшимча овқатни ўз вақтида киритиш тамойилларига тўлиқ амал қилиш, аниқланган бузилишларни ўз вақтида коррекция қилиш билан ўсиш ва ривожланиш мониторингини олиб бориш ва баҳолаш кам вазн билан туғилган болаларнинг нормал ривожланиши ва МАТ бузилишлари ва соматик касалликларнинг камайишига имкон бериши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кам вазнли болалар туғилишининг башорат мезонлари, уларнинг неонатал даврида мослашуви ва ҳаётининг биринчи йилида ривожланиши аниқланган;

кам вазнли чақалоқлар туғилишининг информатив анамнестик ва биокимёвий маркерлари аниқланган;

кам вазнли болаларни бир ёшга тўлгунгача олиб бориш усули бўйича кўшимча тавсиялар ЖССТ/ЮНИСЕФ нинг замонавий технологияларига амал қилган ҳолда таклиф этилган ва тадбиқ қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, иммунологик (иммунофермент таҳлил) усулларни қўллаш, ҳамда етарлича миқдорда ўрганилган беморлар билан, ҳаётининг дастлабки йилида кам вазнга эга чақалоқлар мослашувининг диагностик ва башорат мезонларини такомиллаштириш, статистик таҳлил усулларининг асосланган танлови билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, S100b нейроспецифик оксиди ва PIGF плацента ўсиш омили аниқланган кўрсаткичларининг хусусиятлари она томонидан анамнестик омиллар билан бирга гестация муддати, организмнинг мослашув имкониятларига боғлиқ ҳолда кам вазнли чақалоқларнинг туғилишини тушунишда ва уларнинг бир ёшга тўлгунгача ривожланишида янги жиҳатларни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар асосида амалий соғлиқни сақлашга кам вазн билан туғилган болаларда превентив чора-тадбирларни олиб боришга имкон берувчи тавсиялар таклиф қилинган, бу ўз навбатида ногиронликнинг камайиши, ушбу контингентга тегишли болаларнинг ҳаёт сифатини оширилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кам вазнли чақалоқлар организмнинг мослашув имкониятларини кузатиш жараёнида уларни тўғри олиб бориш усулини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:



“Тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларида кам вазнли чақалоқларни олиб бориш усули ва улар мослашувининг ўзига хослиги” услубий тавсияномаси тасдиқланган ва амалий соғлиқни сақлаш тизимига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 19.09.2017 йилдаги № 8н-д/24 – сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кам вазн билан туғилган болалар ўртасида марказий асаб тизими бузилишларини камайишига, жисмоний ва мотор ривожланишни яхшиланишига ва касалланишни камайишига имкон беради;

кам вазнли болалар организмнинг мослашув имкониятларини кузатиш давомидаги натижалар асосида уларни олиб бориш соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий тиббиёт маркази (РИПИАТМ)га, Чилонзор тумани тиббий бирлашмасининг (ТТБ) № 33, 35, 36, 37, 38, 39 –сонли оилавий поликлиникаларига (ОП) ва Тошкент вилояти Қибрай ТТБ нинг туғруқ комплекси ва қишлоқ врачлик пунктларига (ҚВП) тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 16.05.2018 йилдаги № 8н-д/85 – сонли маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар: болаларда жисмоний ва мотор ривожланиши яхшиланишига – кам вазнли болаларнинг сони 34,1% га камайишига, кам вазнли болаларда моторика функциясининг муддатида шаклланиши 21,0% га кўпайишига, касалланиш туфайли оилавий поликлиника ва ҚВП га мурожатлар сони 1,9 мартага, йилига шифохонага ётқизишлар 2,5-3 мартага камайишига имкон яратди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши ёритилган, илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кам вазли чакалоқларнинг туғилиши муаммоси ва уларда мослашувнинг шаклланиши хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида замонавий адабиёт таҳлили келтирилган, шу жумладан кам вазли болалар туғилиши частотаси, этиопатогенези, диагностикаси, клиникаси ва профилактикасига оид замонавий маълумотлар баён этилган. Чакалоқлар мослашувида плацентар ўсиш омилнинг аҳамияти кўрсатилган. S100b оксилнинг критик ҳолатлардаги диагностик аҳамияти акс эттирилган. Келгусида изланишлар олиб боришни талаб этадиган баҳс-музокаралар масалалар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кам вазли чакалоқларнинг мослашув хусусиятлари ва бир ёшгача ривожланишининг методологик таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган болаларнинг умумий тавсифи келтирилган ва тадқиқотнинг махсус усуллари тасвирланган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, Тошкент шаҳар перинатал маркази, Педиатрия РИПИАТМда, 44-,45-,46-,47-сонли ОПларда тадқиқотлар олиб борилган. Қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун 281 нафар бола ва 272 нафар она (ўрганилган болаларнинг 18 нафарини эгизак чакалоқлар ташкил этган эди) ўрганилган. Чакалоқлар 2 та гуруҳга ажратилган: 1 гуруҳ – 83 та муддатидан аввал туғилган, гестацион ёшига нисбатан кичик бўлган кам вазли чакалоқлар; 2 гуруҳ – 103 та муддатига етиб туғилган, гестацион ёшига кичик кам вазли чакалоқлар. Назорат гуруҳини 95 та муддатига етиб туғилган, гестация ёшига мос вазли чакалоқлар ташкил этган ( $38,4 \pm 6,3$  ҳафта).

72 та гестацион ёшига нисбатан кичик бўлган кам вазли чакалоқларда бир ёшгача бўлган даврида катамнестик кузатув олиб борилган.

Одам плацентар ўсиш омил (PIGF) миқдорини аниқлаш янги туғилган чакалоқлар ва уларнинг оналарини қон зардобидида «Quantikine Human» (АҚШ) PIGF қаттиқ фазали имунофермент текширувида асосланган ҳолда ўрганилган. 89 та чакалоқнинг қон зардобидида нейроспецифик S100B оксили миқдори аниқланган, бу болаларнинг 40 нафари муддатига етиб нормал вазнда туғилган ва 49 нафари кам вазн билан туғилган. S100b оксил миқдори «CanAg» (Швеция) фирмасини реактиви ёрдамида қаттиқ фазали имунофермент усули ёрдамида аниқланган.

Болалар организмнинг мослашув имкониятларини баҳолаш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия қилган стандартлари бўйича ишлаб чиқилган ўсиш ва ривожланиш эгри чизикларидан фойдаланилган. Антропометрик кўрсаткичлар: тана вазнини, тана узунлиги, бош айланаси, ВБИ (вазн бўй индекси -  $\text{кг}/\text{м}^2$ ), ҳамда мотор ривожланишни ёшига мослиги эгриликларга белгиланиб ЖССТ тавсия этган (2006) ўсиш ва ривожланиш стандартлари бўйича баҳоланган.

Кам вазн билан туғилган болаларга кўрсатилган тиббий ёрдам самарадорлигини баҳолаш 72 нафар чакалоқда бир ёшга тулгунга қадар ўтказилган. Ҳаммасига ҳаётнинг биринчи йилида кам вазли чакалоқларни парваришлаш қоидалари ва босқичлари тавсия этилган. Тадқиқот жараёнида ўрганилган болалар 2 та гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳни тиббий ёрдам

таклиф этилган тавсияларни тўлиқ ҳажмда бажарган 49 бола, иккинчи гуруҳни таклиф этилган тавсияларни ота-оналар томонидан тўлиқ амал қилмаслик (яшаш жойи ўзгарганлиги, онанинг олий таълим муассасаси (ОТМ) да таълим олиши ва бошқалар) сабабли қисман олган 23 бола ташкил этган. Туғруқ комплекси шароитларида кам вазнли чақалоқларни парваришлаш бўйича тавсиялар қуйдагилардан иборат: чақалоқларни онаси билан бирга бўлиши; гипотермиянинг олдини олиш; кўкрак сути билан эмизишни тўғри ташкиллаштириш; зарур ҳолларда тасдиқланган клиник кўрсатмалар асосида чақалоқларни даволаш ва реанимация ўтказиш.

Поликлиника шароитларида кам вазнли болаларни парваришлаш бўйича тавсиялар бизнинг қўшимчаларимиз билан қуйдагилардан иборат: 6 ойгача фақат кўкрак билан боқиш, кўкрак сути билан эмизишнинг максимал узоқ 2ёшгача сақланиши; кун тартиби ва овқатланиш тартибини назорат қилиш; мунтазам чиниқиш (сайрлар, сув муолажалари, умумий уқалаш) ёрдамида иммунитетни ошириш; рахит, гиповитаминоз А ва камқонликни олдини олиш; индивидуал график бўйича профилактик эмлашларни ўтказиш; ҳар ойда узиш ва физик ривожланишни мониторинг қилиш, ўзгаришлар кузатилганда коррекция мақсадида кўпроқ олиб бориш. Кам вазнли болаларнинг биринчи патронажи туғруқхонадан ёки стационардан (I ва II парваришлаш бўлимлари) уйга жавоб берилган куннинг эртасига амалга оширилиши, чунки бу тоифадаги болалар касалланиш ва гўдаклар ўлими бўйича юқори кўрсаткичларни беради. Кейинчалик биринчи ойда умумий амалиёт шифокори (УАШ) ёки педиатр ҳафтасига 1 марта, 1 ойдан 6 ойгача бўлган муддатда – 2 ҳафтада 1 марта, 6 – 12 ойда – ойига 1 марта, кўрсатмалар бўлганда – тез-тез кўригидан ўтказилиши; дастлабки 3-4 ойда, шунингдек юқумли касалликлар эпидемияси даврида ҳам шифокор болани уйда кўриқдан ўтказиши. Ҳар бир кўриқда тана вазни, тана узунлиги ва ВБИ динамикасини баҳоловчи антропометрик ўлчовлар ўтказиш муҳим. Тор мутахассислар: ортопед – дастлабки 3 ойда ҳар ой, сўнгра чоракда 1 марта; офтальмолог ва оториноларинголог кўруви ҳаётнинг дастлабки ойда, такроран йилига камида 2 - 3 марта (чоракда 1 марта); невропатолог назорати бола ҳаётининг биринчи йилида 3 ойда 1 марта амалга оширилиши тавсия этилган.

Олинган натижаларни коррелятив таҳлил қилиш ва статистик ишлов бериш учун “MS Excel – XP” дастуридан фойдаланилган. Олинган натижаларни статистик таҳлили вариацион статистика усуллари ёрдамида ўтказилган.

Диссертациянинг **“Кам вазнли чақалоқларнинг туғилиш хавф омиллари ва уларнинг чақалоқлар мослашувиға таъсир этиш даражаси”** деб номланган учинчи бобида стационар шароитларида 272 онани клиник кузатиш ва анамнез натижалари келтирилган, шулардан 83 онада муддатидан аввал ва гестация ёшиға мос келмаган (1 гуруҳ), 102 онада муддатига етиб кам вазн билан (2 гуруҳ) чақалоқлар туғилган. Назорат гуруҳини 87 аёл ташкил этиб уларнинг чақалоқлари муддатига етиб туғилган ва болаларининг тана вазни гестация муддатларига мос бўлган ( $38,4 \pm 6,3$  хаф.).

Қайд этиш лозимки, оғирлашган акушерлик – гинекологик анамнез ва туғруқлар кечишидаги асоратлар (патологик прелиминар давр, туғруқ фаолиятининг бирламчи ва иккиламчи суствлиги, нормал жойлашган плацентанинг вақтидан олдин кўчиши) кам вазн билан туғилган болалар оналарининг иккала гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан кўпроқ кузатилган ( $p < 0,05$ ).

1-жадвалдан кўриниб турганидек, хомиладорлардан кам вазнли болалар туғилишининг нисбатан юқори хавфи ультра товуш текширувида (УТТ) да хомила ривожланишдан орқада қолиши белгилари (хорион қалинлиги) ( $OR=11,58$ ), камқонликда ( $OR=8,17$ ), озикланишни бошқа бузилишларида ( $OR=5,75$ ), фетопланцента етишмовчиликда ( $OR=5,46$ ) ҳолатда кузатилган.

### 1-жадвал

#### Хомиладорлик кечишига боғлиқ ҳолда кам вазнли чақалоқлар туғилишининг хавф омилларни баҳолаш

Хавф омиллари	Атрибутив хавф	Нисбий хавф коэффициентлари
УТТ белгилари (хорион қалинлиги)	0,91	11,58
Камқонлик	0,88	8,17
Озикланишни бузилиши	0,84	5,75
Кўп хомидалик	0,82	5,58
Плацента етишмовчилик	0,81	5,46
Протеинурия	0,79	4,86
Артериал гипертензия	0,77	4,41
Инфицирланиш	0,76	4,23
Хомила тушиш хавфи	0,76	4,23
Преэклампсия	0,64	3,28

Протеинурия ва преэклампсия кўринишларидаги хавф нисбати 4,86 дан 3,28 гача ўзгариб турди бу эса ҳолатлар ва уларнинг таъсирини ифодаланиши ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради. Юқорида қайд этиб ўтилган асоратлар мавжуд бўлган хомиладорлардан буйраклар функционал ҳолати ва артериал босими меъерий бўлган хомиладорларга нисбатан кам вазнли болаларнинг туғилиши 3 баробар кўпроқ кузатилади.

Келтирилган маълумотларга мувофиқ кам вазн билан болаларнинг туғилиши хавф омилларининг таҳлили ушбу омилларнинг юзага келишининг мультифакториал табиатга эгаллигини тасдиқлади. Шундай қилиб, кам вазнли бола туғилиши хавфи кенг вариацияланади ва кўпинча унинг келиб чиқишига сабаб бўлган мезонларга, хавф омилларига боғлиқ бўлади.

Чақалоқлар организми мослашув хусусиятлари таққослама таҳлили чақалоқлар патологияси бўлимига ётқизилганда 1 - ва 2 - гуруҳ болаларининг ёши фарқланмаганлиги ва мос равишда  $4,9 \pm 0,6$  ва  $4,6 \pm 0,6$  ни ташкил этишини кўрсатди. Ўрганилган болаларнинг туғилиш пайтидаги жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган. Шубҳасиз, янги чақалоқлик даврида муддатидан аввал туғилган кам вазнли чақалоқларнинг

жисмоний ривожланиши муддатига етиб туғилган чақалоқларникидан юқори статистик даражада фарқланади ( $p < 0,001$ ).

## 2-жадвал

### Кам вазнли чақалоқларнинг туғилиш пайтидаги жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини қиёслаш

Белгилар	1 гуруҳ (n=83)	2 гуруҳ (n=103)	Назорат гуруҳи (n=95)
Тана вазни (г)	1814,5±10,7***	2222,9±5,2*^	3598,9± 68,1
Тана узунлиги (см)	34,7±0,3***	37,8±0,3**^	53,4 ± 0,4
Бош айланаси (см)	25,4±0,2**	27,6±0,2*^	36,2 ± 0,2
Кўкрак айланаси (см)	22,1±0,2***	23,9±0,2**^	34,8 ± 0,2

Изоҳ : \* - Маълумотларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончилиги (\* - $p < 0,05$ ; \*\* - $p < 0,01$ ; \*\*\* - $p < 0,001$ ); ^ - 1- ва 2- гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлар ишончилиги (^ - $p < 0,05$ )

Туғилишдаги ҳолатини баҳолашда 1-гуруҳдаги барча болалар оғир ҳолатда, 2-гуруҳда кўп ҳолларда (66,0%) ўртача оғирликда, назорат гуруҳдаги болалар қониқарли ҳолатда туғилганлиги аниқланди.

Ҳаётининг 1- ва 5- дақиқаларида Апгар шкаласи бўйича (3-жадвал) курсаткич кам вазн билан туғилган чақалоқларда муддатига етиб туғилган чақалоқларга таққослаганда сезиларли пастлигини кўрсатди ( $p < 0,001$ ). Иккинчи гуруҳда Апгар шкаласи бўйича кўрсаткич юқори бўлди, аммо ишончли эмас.

## 3-жадвал

### Кам вазн билан туғилган чақалоқларни ҳаётнинг 1- ва 5- дақиқаларида Апгар шкаласи бўйича баҳоланиши

Апгар шкаласи бўйича баҳо	1 гуруҳ (n=83)	2 гуруҳ (n=103)	Назорат гуруҳи (n=95)
1- дақиқада	3,6±0,2 ***^^	5,7±0,2**	7,8 ± 0,1
5- дақиқада	5,1±0,2 ***^	6,3±0,2*	8,9 ± 0,1

Изоҳ: \* - Маълумотларнинг назорат гуруҳига нисбатан ишончилиги (\*- $p < 0,05$ ; \*\*- $p < 0,01$ ; \*\*\*- $p < 0,001$ ); ^-1- ва 2-гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлар ишончилиги (^- $p < 0,05$ ; ^^ - $p < 0,001$ )

II даражали бош мианинг перинатал гипоксик-ишемик шикастланиши белгилари 1-гуруҳда 73,5% ( $P < 0,01$ ) ҳамда 2-гуруҳдаги 66,0% ( $P < 0,01$ ) чақалоқларда кузатилган, 3 даражаси муддатидан аввал туғилганларда 2,2 марта кўп бўлган. 3 даража қоринчалар ичига қон қуйилиши (ҚИК) муддатига етмай туғилганларда кам вазнли муддатига етиб туғилганлардан 2,5 марта кўп ташхисланди (мос равишда 7,2% ва 2,9%). Перивентрикуляр лейкомаляция(ПВЛ) муддатига етиб туғилган кам вазнли чақалоқларга нисбатан муддатига етмай туғилган чақалоқларда сезиларли равишда кўпроқ қайд этилди ( $p < 0,05$ ) (4-жадвал).

Барча чақалоқларда сариклик конъюгацион характерга эга бўлди. 1-ва 2-гуруҳдаги чақалоқларда сариклик даври назорат гуруҳи болаларига нисбатан анча давомли бўлди. Кам вазнли чақалоқларда сариклик синдромининг тавсифланиши сезиларли фарқланмади. Муддатдан аввал

туғилган чақалоқларда сариклик 1-гурухда 84,3% ҳолатда ва 2-гурухда 82,5% ҳолатда кузатилди.

#### 4-жадвал

##### Кам вазнли чақалоқлар касалликлари

Касалликлар	1-гурух (n=83)		2 -гурух (n=103)	
	Абс.	%	Абс.	%
Респиратор дистресс синдроми	78	94,0±2,6	69	67,0±4,6
Бронх ўпка дисплазияси	23	27,7±,9	12	11,7±3,2*
Зотилжам	49	59,0±5,4	27	26,2±4,3**
Энтероколит	36	43,4±5,4	28	27,2±4,4
2-даражали мия ишемияси	61	73,5±4,8	68	66,0±4,7
3-даражали мия ишемияси	8	9,6±3,2	5	4,9±2,1
1-даражали ҚИҚ	5	6,0±2,6	8	7,8±2,6
2-даражали ҚИҚ	3	3,6±2,1	2	1,9±1,4
3-даражали ҚИҚ	6	7,2±2,8	3	2,9±1,7
ПВЛ	10	12,0±3,6	7	6,8±2,5
Камқонлик	72	86,8±3,7	52	50,5±4,9*
Сариклик	70	84,3±4,0	85	82,5±3,7

Изоҳ: ^ - 1- ва 2- гурухлар ўртасидаги кўрсаткичлар ишончилиги (\*-  $p<0,05$ ; \*\* -  $p<0,001$ )

Туғилиш пайтидаги оғир даражадаги камқонлик 1-гурух чақалоқларида устунлик қилди ( $p<0,01$ ). Кам вазнли чақалоқларда асаб ва нафас тизими касалликларининг юқори частотаси (РДС, мия ишемияси) ушбу тизимларнинг бола туғилиши пайтидаги норасолигининг яққол ифодаланганлиги билан боғлиқ. РДС 1-гурухдаги 94,0% чақалоқларда ва 2-гурухдаги 67,0% чақалоқларда қайд этилган.

Кам вазнли чақалоқларнинг стационарда бўлиш давомийлигини баҳолашда, 1-гурух чақалоқлари жонлантириш бўлимида – (19,3±2,4 кун,  $p<0,05$ ), ҳамда чақалоқлар патологиялари бўлимида ҳам статистик кўпроқ вақт бўлганликлари аниқланган (41,4±1,9 кун,  $p<0,001$ ).

Кам вазнли муддатидан аввал туғилган чақалоқларда МАТ зарарланиши синдромларидан асосан гипоксик омиллар таъсири билан боғлиқ сўниш синдроми ва мушак гипотонияси, 2-гурух болларида эса вегето - висцерал бузилишлар ва мушак гипертонуси кузатилди (5-жадвал).

Ҳаракат фаоллиги пасайиши 1-гурухда 56 чақалоқда (67,5%), иккинчи гуруҳда эса 36 (35,0%) чақалоқларда аниқланган. Мушак тонуси кам вазнли болаларнинг барчасида ўзгарган, бундан ташқари мушак гипотонияси 1-гурухнинг аксарият болаларида (67,5%), 2-гурухда эса гипертония (43,7%) кузатилган. Кам вазн билан туғилган чақалоқларнинг барчасида гипорелексия ва шартсиз рефлексларнинг тез сўниши қайд этилди.

Назорат гуруҳидаги болаларда МАТ томонидан бузилишлар 20,0% чақалоқларда кузатилди, асаб-рефлектор кўзгалувчанлик (6,3%) гипертонус кўринишидаги мушак дистонияси (4,2%) билан намоён булди.

33 нафар (39,8%) кам вазнли муддатидан аввал туғилган чақалоқларда вегетовисцерал бузилиш кузатилди, кам вазнли муддати етиб

туғилганларда бу кўрсаткич 36,9% ни ташкил қилди. Бу синдром микроциркуляция, терморегуляция ва ошқозон-ичак йўли моторикасининг бузилиши билан намоён бўлди.

### 5-жадвал

#### Кам вазнли чақалоқларда МАТ нинг постгипоксик зарарланиш синдромлари

Касалликлар	1-гурух (n=83)		2 -гурух (n=103)		назорат гуруҳи (n=95)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Юқори асаб -рефлектор кўзғалувчанлик	21	25,3**	25	24,3**	6	6,3
Сўниш синдроми	46	55,4***	32	31,1 <sup>^</sup> ***	1	1,1
Вегето-висцерал бузилишлар	33	39,8***	38	36,9***	7	7,4
Мушак дистонияси:						
- гипотония	56	67,5***	36	35,0 <sup>^</sup> ***	1	1,0
- гипертония	27	32,5***	45	43,7***	4	4,2
МАТ шикастланишларисиз	-	-	-	-	76	80,0

Изох: \* кам вазнли чақалоқлар ва назорат гуруҳи ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги контрольной (\*\*-  $p < 0,01$ ; \*\*\* -  $p < 0,001$ ); <sup>^</sup> 1 ва 2 гуруҳлар ўртасидаги ишонччилик ( $< 0,05$ )


Микроциркуляциянинг бузилиши (тери қопламларининг “мармарлиги”, рангпарлиги, акроцианоз) ва терморегуляция бузилишлари бир хил кузатилганлиги аниқланди, бу чақалоқларнинг кувезда бўлиши зарурлигини тақазо этади. Ошқозон-ичак йўли моторикасининг қайд қилиш ва қабзият кўринишидаги бузилишлари назорат гуруҳидаги болаларга нисбатан муддатидан аввал туғилган болалар гуруҳида 2 баробар кўпроқ кузатилди.

Муддатидан аввал кам вазн билан туғилган чақалоқларда сўниш синдроми юқори асаб – рефлектор кўзғалувчанлик синдромига нисбатан деярли 2,2 баробар кўп кузатилди, муддатига етиб туғилганларда 1,3 марта. Марказий асаб тизимининг постгипоксик шикастланишининг аниқланган синдромлари кузатув жараёнида церебрал фаоллик фазаларининг даврий алмашинуви билан характерланди.

Шундай қилиб, муддатидан аввал туғилган гестацион ёшига нисбатан кичик бўлган кам вазнли чақалоқлар муддатига етиб туғилган гестацион ёшига кичик кам вазнли чақалоқларга нисбатан оғирроқ Апгар шкаласи бўйича паст кўрсаткич, оғир даражадаги РДС, 3 - даражали ишемия, ҚИҚ ва МАТ сўниш синдроми кузатилган. Бу гуруҳ болаларда 1,7 марта бирламчи реанимацион чора-тадбирлар: 1,8 марта профилактик ва 1,6 марта даволаш мақсадида ўтказилган, узоқ муддат давомли антибактериал (3-4 курс – 1,4 марта кўп, 5 ва ундан ортиқ курс - 2 марта кўп) ва респиратор терапия ўтказилган. Реанимация, жадал терапия ҳамда чақалоқлар ва муддатдан аввал туғилган болалар патологиялари бўлимларида стационар даволаниш муддатига етиб туғилган чақалоқлардан худди шу кўрсаткичлардан 1,5-2 марта юқори бўлган.

Диссертациянинг “Кам вазнли чақалоқларнинг туғилишида нейроспецифик оксил S100b ва плацента ўсиш омилени (PlGF)

**аҳамияти”** деб номланган тўртинчи бобида кам вазнли болаларда нейроспецифик S100b оксиди ва плацента ўсиш омилени(PiGF) ўрганиш натижалари ва узаро боғлиқлиги келтирилган. Кузатув остида 89 нафар она ва уларнинг болалари бўлди, шундан 40 нафар тана вазни нормал соғлом болалар (таққослаш гуруҳи) ва 49 нафар кам вазнли чақалоқлар(асосий гуруҳ). S100b нинг миқдори гестация муддатига боғлиқ – 28-30 ҳафта гестация муддатида туғилган чақалоқларда юқори кўрсаткичлар ( $811,2 \pm 46,9$ ,  $p < 0,05$ ) қайд этилган. Чақалоқларнинг ушбу гуруҳида 2-3- кунга келиб ҳам S100b миқдори ортиши ( $1075,6 \pm 31,8$  нг/л,  $p < 0,01$ ) қайд этилган, шунда муддатига етиб туғилган чақалоқларда S100b миқдори туғилиш пайтидаги кўрсаткичлардан сезиларли фарқланмади (1-расм).



**1-расм. Чақалоқлар ҳаётининг 2-3 кунда S100b кўрсаткичлари**

Оғир асфиксия билан туғилган (37 чақалоқ) болаларда дастлабки суткада S100b оксидининг зардобдаги концентрацияси кўрсаткичлари норматив қийматлардан сезиларли юқори бўлди (4-5 баробар ) ва ўртача  $2571,8 \pm 55,5$  нг/л ташкил этди, шунда Апгар шкаласи бўйича 5-7 балл билан туғилган чақалоқларга нисбатан S100b миқдори 2-3 баробар ортиши қайд этилди.

Апгар шкаласи бўйича 5-7 балл билан туғилган чақалоқларнинг 2-гуруҳида (38 чақалоқ) S100b миқдорининг назорат гуруҳига (25 муддатига етиб туғилган чақалоқ) нисбатан 2-3 марта ортиши қайд этилди ва ўртача  $1428,7 \pm 56,1$  нг/л ни ташкил этди (6-жадвал).

**6-жадвал**

**Муддатидан аввал кам вазн билан туғилган чақалоқларда асфиксияни оғирлигига боғлиқ ҳолда S100b кўрсаткичлари.**

Кузатиш муддатлари	1-гуруҳ	2-гуруҳ	Назорат гуруҳи
Туғилиш пайтида	$2571,8 \pm 55,5^*$	$1428,7 \pm 56,1^*$	$571,5 \pm 56,9$
Бола ҳаётининг 2-3 кунда	$3886,4 \pm 51,2^{*\wedge}$	$2714,5 \pm 49,5^{*\wedge}$	$574,2 \pm 46,3$

Изоҳ : \* - Назорат гуруҳига нисбатан маълумотларнинг ишончлилиги (\*-  $p < 0,001$ );  $\wedge$  - Бола туғилгандаги ва ҳаётининг 2-3 кундаги кўрсаткичларга нисбатан маълумотларнинг ишончлилиги ( $\wedge$  -  $p < 0,001$ ).


Чақалоқларнинг таққосланаётган гуруҳларидаги коррелятив таҳлил чақалоқлар кон зардобдаги S100b миқдори асфиксиянинг оғирлик даражасига яққол тесқари боғлиқлигини кўрсатди, 1- дақиқада Апгар бўйича



характерланувчи: курсаткич Апгар буйича қанча паст бўлса, S100b оксиленинг зардобдаги миқдори шунча юқори бўлди ( $r=-0,756$ ;  $P<0,01$ ).

Қайд этиш лозимки, мия гипоксияси билан туғилган чақалоқларда ҳаётнинг дастлабки суткасида S100b концентрациясининг ортиши эҳтимол, ушбу протеиннинг нейропротектив таъсири билан боғлиқдир, аммо зардоб концентрациясининг дастлабки суткада ортиши меъёрнинг юқори чегарасига нисбатан 3 баробар ортмаслиги лозим. Дастлабки суткаларда қон зардобда S100b концентрациясининг 4 ва ундан кўп баробар ортиши одатда мия ҳужайраларидаги деструктив ўзгаришлардан далолат берувчи нохуш прогностик белги ҳисобланади ва 10-14 кун мобайнида бош миянинг оғир структуравий бузилишлари шаклланиши эҳтимоллигини кўрсатади.


Асосий ва назорат гуруҳлари чақалоқларининг оналари қон зардобда одам PlGF миқдори таҳлил қилинганда асосий гуруҳда PlGF миқдори назорат гуруҳига нисбатан сезиларли пастлиги ( $p<0,01$ ) аниқланди, (мос равишда  $84,3\pm 13,4$  ва  $275,0\pm 26,5$  пг/мл) (2-расм).



**2-расм. Оналар ўртасида PlGF кўрсаткичларини таққослаш**

Ушбу далил PlGF паст миқдори шароитларида хорион толаси муддатдан аввалги инвазияси жараёнларининг бузилиши ва трофобласт инвазиясининг иккинчи тулқини етишмовчилиги шаклланишидан далолат беради.

Муддатидан аввал туғилган кам вазнли чақалоқлар (28та бола) киндик қонида PlGF текширилганда, ушбу кўрсаткичнинг назорат гуруҳига(20та бола) нисбатан 2,5 баробар ва муддатига етиб туғилган кам вазнли чақалоқлар гуруҳига(27) нисбатан 1,6 баробар пастлиги аниқланди.(3-расм).



**3-расм. Чақалоқларда PlGF кўрсаткичлари.**

PlGF кўрсаткичларининг пасайиши кам вазн шаклланиши билан корреляцияланади ( $r=+0,49$ ,  $p<0,05$ ), шунингдек муддатидан аввал туғилган

гестацион ёшига нисбатан кичик бўлган кам вазнли чақалоқлар соғлиги ҳолати билан тўғридан-тўғри коррелятив боғлиқликка эга ( $r=+0,51$ ,  $p<0,05$ ).

Барча гуруҳдаги чақалоқларда неврологик статус баҳоланган. Болалар ҳаётининг 4-суткасида МАТ ҳолатини аниқлаш ва неврологик бузилишларни ташхислаш мақсадида нейросонография ўтказилган. Неонатал даврнинг 6-кунида неврологик бузилишлар қайд этилмаган чақалоқлар МАТ шаклланиши ва ривожланиши бўйича соғлом саналиши ва бу болаларнинг шартли равишда соғлом ҳисобланиши аниқланган.

1-даражали церебрал ишемия, эҳтимол, МАТ нинг ҳомила ичи даврида гипоксик шикастланиши билан боғлиқдир. У унчалик сезилмайдиган неврологик симптомлар ва нейросонография курсаткичларида сезиларли ўзгаришлар мавжуд эмаслиги билан характерланди.

Ҳомилада кам вазн шаклланишида оналардаги PIGF миқдори билан чақалоқлардаги S100b миқдорининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш кучли тесқари корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди ( $r=-0,875$ ,  $p<0,001$ ). PIGF миқдори камайганда S100b миқдори сезиларли ортади ( $P<0,05$ ).

Шундай қилиб, эрта неонатал даврда чақалоқларда неврологик симптомларнинг кузатилиш частотасини эътиборга олган ҳолда, ҳомила ва кам вазнли чақалоқлар ҳолатини аниқлаш учун ҳомиланинг гемодинамик ҳолатини, одам плацента ўсиш омилини онада ва чақалоқда аниқлаш ҳамда чақалоқларда МАТ ишемик шикастланишларини нейроспецифик маркерларини таҳлил этиш лозим.

Диссертациянинг «**Кам вазнли чақалоқларнинг бир ёшгача бўлган давридаги ривожланиши хусусиятлари ва саломатлиги ҳолати**» деб номланган бешинчи бобида кам вазнли чақалоқларнинг мослашувидаги клиник-биокимёвий хусусиятлар асосида уларнинг олиб бориш усулини қўлланилиш самарадорлиги натижалари келтирилган. Кам вазнли болаларга таклиф этилган тиббий ёрдам самарадорлигини баҳолаш 72 чақалоқлар ўртасида бир ёшга тулгунга қадар олиб борилган. Тадқиқот жараёнида болалар 2 гуруҳга ажратилган: биринчи гуруҳни таклиф этилган тавсиялар бўйича тиббий ёрдамни тўлиқ ҳажмда олган 49 бола, иккинчи гуруҳни таклиф этилган тавсияларни ота-оналар томонидан тўлиқ амал қилмаслик (яшаш жойи ўзгарганлиги, онанинг олий таълим муассасаси (ОТМ) да таълим олиши ва бошқ.) сабабли қисман олган 23 бола ташкил этган.


